

Аллоҳга қасамки, хушбўйга ҳожатим йўқ



09:51 / 12.01.2021 2464

Зайнаб бинт Абу Салама розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжалари Умму Ҳабиба розияллоҳу анҳонинг отаси Абу Суфён ибн Ҳарб розияллоҳу анҳу вафот этганида унинг олдига кирдим. У сариқ рангли аралаш хушбўйлик ёки бошқа бирор хушбўй нарса келтиришларини сўради. Ундан бир қизчага суртиб кўрди-да, кейин ўзининг икки юзига суртиб, «Аллоҳга қасамки, ҳозир хушбўй суртадиган ҳолим йўқ. Аммо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг минбардан туриб, «Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган аёл учун бирор майит учун уч кундан ортиқ аза тутиш ҳалол эмас. Фақат эрига тўрт ойу ўн кун тутади», деганларини эшитганман», деди. Кейинроқ, Зайнаб бинт Жаҳшнинг олдига акаси вафот этган пайтда кирдим. У ҳам хушбўй нарса сўраб, ундан суртди ва: «Аллоҳга қасамки, хушбўй нарса суртадиган ҳолим йўқ, лекин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг минбарда туриб,

«Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган аёл учун бирор маййит учун уч кундан ортиқ мотам тутиш ҳалол эмас. Фақат эрига тўрт ойу ўн кун тутади», деганларини эшитган эдим», деди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан